

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ
VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI**

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI

REFERAT

Mavzu: Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Ўзбекистон республикаси солиқ тизими ва солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

Bajardi: Kurbonov U

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Ўзбекистон республикаси солиқ tizими ва солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

Режа:

- 1. Солиқлар ва солиққа тортиш фанинг мақсади, вазифалари, предмети ва ўрганиш усуллари*
- 2. Солиқларнинг моҳияти, унинг ўлчамлари ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни*
- 3. Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқларнинг асосий вазифалари*
- 4. Солиқ элементларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, табиби ва солиқ механизми*
- 5. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг моҳияти, аҳамияти ва ривожланиш босқичлари*
- 6. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хусусиятлари, асосий йўналишлари ва ҳуқуқий асослари*
- 7. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсати*

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фани солиқларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, функциялари, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш механизмини ўрганишдаги асосий фан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳар бир фанни ўрганишда уни талабаларга тўлиқ етказиш, талабаларни фикрлашга ундаш ва жалб этиш, шу орқали етук мутахассисларни тайёрлаш мақсади ётади. Фанни ўрганишда ҳозирги даврнинг илғор услубларидан ва ўқитишнинг илғор педагогик технологияларидан кенг фойдаланилади.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанининг предмети – бу солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий моҳияти, давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти, солиқ тизими ва сиёсати, солиқ турларлари бўйича белгиланган имиёзлар тизими, солиқларни ҳисоблаш механизмининг амалдаги ҳолатини ўрганишдан иборат.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанининг ҳам ўзига хос илмий билиш усуллари мавжуд. Улардан бири илмий абстракция усулидир. Илмий абстракция усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда таҳлил пайтида объектнинг фақат бир томонига, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътибор қаратилади ва ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали унсурларнинг таъсири эътиборга олинмайди.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани шунингдек, ўз предметини ўрганишда назарий таҳлил ва синтез усулидан ҳам фойдаланади. Таҳлил - ўрганилаётган бутун объектни қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш бўлса, синтез эса ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Солиқ турларини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартибларининг амалий масалалари мазкур йўл билан ўрганилади.

Фанни ўрганишда макроиқтисодий ва микроиқтисодий ҳолда таҳлилни қўшиб олиб бориш муҳим ўрин тутади. Солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлашнинг амалдаги масалаларини микроиқтисодий жиҳатдан ўрганишда

иқтисодиётнинг бошланғич бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан, улар билан давлат бюджети ўртасидаги муносабатлар тадқиқ этилса, макроиқтисодий жиҳатдан таҳлил этишда эса, давлат миқёсида, яъни солиқлар ва солиқ муносабатларига доир масалалар макроиқтисодий даражада ўрганилади.

Солиқлар ва солиқ муносабатларига доир билимларни ўрганишда бир қатор иқтисодий фанларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Барча иқтисодий фанлар бир-бирини тўлдириб боради ва ўрганиш услубларини осонлаштиради. Биз “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўрганишда “Солиқ назарияси”, «Иқтисодиёт назарияси», «Молия» ва «Пул кредит ва банклар» каби иқтисодий фанлар билан биргаликда ўрганамиз.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фани «Иқтисодиёт назарияси» фани билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг махсус кенгайтирилган бўлимидир. Чунки солиқлар ва солиқ муносабатларининг қонуниятлари умумиқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқмасдан, уларга асосланади.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фани «Солиқ назарияси» фани билан ҳам ўзаро алоқадорликда ўрганилади. «Солиқ назарияси» фани солиқлар ва солиқ муносабатларининг назарий асосларини ўрганса, «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанида эса солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмидаги амалий ва услубий асослар ўрганилади.

Солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари билан ифодалаш мумкин.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар ҳам амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат. Ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам

тегишлики, бу ҳолат солиқларнинг иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, ишлар бажарган ёки бозорларда олди-сотди қилиш жараёнида пул муносабатларини ҳосил қилади. Лекин улар солиқ бўла олмайди, солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан давлат бюджетига мажбурий тартибда тўланиши ёки ундирилиши лозим. Давлат учун бюджетнинг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда солиқлар воситасида давлат даромадларининг асосий қисми шакллантирилади. Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг билвосита курали ҳисобланади.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари ҳос деб таъриф беришади.

Фикримизча, солиқларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1. Солиқнинг фискал функцияси.
2. Тартибга солиш функцияси.
3. Рағбатлантириш функцияси
4. Солиқнинг назорат функцияси.
5. Солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

Ҳозирги шароитга татбиқан олганда, солиққа тортиш самарали тизимнинг қуйидаги тамойилларини таърифлаб ўтиш мумкин:

1. Етарлилик тамойили.

2. Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш.
3. Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили.
4. Оддийлик ва холислик.
5. Бошқаришга қулайлик.
6. Солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар арзонлаштириш.
7. Солиқ ставкаларини қиёслаш.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади. Бу таъриф солиқ тизимини кенг маънода тушунишдир. Солиқ қонунчилигида солиқ тизими тор маънода талқин қилиниб, бир хил моҳиятга эга бўлган ва марказлашган пул фондини ташкил этадиган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизими деб аталади.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар.
2. Мол-мулк қийматларидан олинадиган солиқлар.
3. Даромаддан олинадиган солиқлар.

Солиқлар иқтисодий моҳиятига, тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига бевосита ёки билвосита боғлиқлигига кўра тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Товарнинг баҳосида тўланадиган ёки тарифга киритиладиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар эгри солиқларга киради. Товар ва хизматларнинг эгаси уларни сотишда солиқ суммаларини олиб, уларни давлатга ўтказди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амал қилаётган тўғри ва эгри солиқлар таркибига қуйидаги солиқлар киради (1-жадвал):

1- жадвал

Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар
1. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи	1. Қўшилган қиймат солиғи
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқ	2. Акциз солиғи
3. Ер солиғи	3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ
4. Мол-мулк солиғи	4. Божхона тўловлари ва бошқ.
5. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар ва махсус тўловлар	
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.	
7. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқалар.	

Мустақиллик йилларида солиқ тизими ислоҳоти ривожланишини яққол кўрсатиш учун шу даврни тўрт босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1994 йиллар - Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Солиқ ислоҳотларининг **иккинчи босқичи** солиқларни бозор иқтисоди талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратиш давридир. Бу даврга 1995 —1997 йиллар тўғри келади.

Солиқ ислоҳотининг **учинчи босқичи** 1998 йилдан 2008 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқични солиқ тизимида солиқларни ихчамлаштириш концепциясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

Мамлакатимизда юз берган иқтисодий ўзгаришлар, бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиб борилиши даромадга жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқнинг белгиланиши ва тўпланишида

хам жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар ва ислохотларнинг барчаси 2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида ўз ифодасини топган бўлиб солиқ тизимида солиқ ислохотлар ривожланиш босқичининг 4-босқичини бошлаб берди.

2009-2010 йилги солиқ сиёсатидаги асосий ўзгаришларнинг асл моҳияти солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада оширишга қаратилган

Республикамизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати авваламбор солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада ошириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга қаратилган.

Солиқ юкининг камайтирилиб борилиши тадбиркорлик субъектларининг реал даромадларини оширишга, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга ва рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида, 2010 йилда **фойда солиғининг** базавий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимида **ягона солиқ тўловини** тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси 8 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 7% миқдорида белгиланди.

2010 йилда улгуржи ва чакана савдо корхоналари учун ягона солиқ тўловининг олдинги йилларда белгиланган солиқ ставкалари ўзгармаган ҳолда, улгуржи савдо корхоналари учун бюджетга ўз вақтида ҳисоб-китоблар амалга оширилишини таъминлаш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида ҳар бир амалга оширилган операция

бўйича тушган тушум суммасининг 5 фоизи миқдорида жорий тўловларни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Аҳоли даромадларига солиқ юкини камайтириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида, **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** ставкасини солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини қўйидаги маблағлар суммасига камайтириш шаклида қўшимча имтиёзлар жорий этилди:

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида таълим олиш учун (ўзининг таълим олиши ёки 26 ёшгача бўлган фарзандининг таълими олиши учун) тўланган суммалар кўринишида ижтимоий чегирмалар;

жами даромадни фуқароларнинг Халқ банкидаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлари суммаси миқдorigа камайтириш йўли билан имтиёзлар жорий этилди.

Давлат бюджети даромадларини барқарорлаштириш мақсадида 2010 йилдан алкоголь маҳсулотлар, пиво, филтрли сегареталар ва спиртга **акциз солиғи** ставкаси 25 фоизга, филтрсиз сигарета ва папиросларга 50 фоизга индексация қилинди.

2010 йилда **ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** ставкалари 15 фоизга индексацияланди.

Ягона ер солиғи бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлаш ва ҳисоблашнинг амалдаги тартиби сақланган ҳолда солиқ ставкасини 3,5 фоиздан 5 фоизга ошириш белгиланди.

Қўшимча фойда солиғи бўйича 2010 йилдан бошлаб, цемент, полэтилен грануласи ва табиий газ бўйича солиқ ставкалари 25 фоизга, мис катоди учун эса 10 фоизга пасайтирилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича эса, 2010 йилда жисмоний шахслар кўчмас мулкнинг (уй жойларнинг,

квартиралар ва бошқаларнинг) инвентаризация қиймати 10 фоизга индексация қилинди.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлайдиган суғурта бадаллари ставкаси амалдаги 3,5 фоизлик ставкаси 4 фоиз қилиб белгиланди.

Шунингдек 2011 йилда фойда солиғини 9 %дан 8 %га, даромад солиғи ставкасининг биринчи ва иккинчи поғоналари 11 ва 17 %дан 10 ва 16 %га, ягона солиқ ставкасининг базавий ставкаси 7 %дан 6 %га туширилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича ўтказилган мажлисда қабул қилинган қарор қисмида келтирилган.